

«Ҳибат ул-хақойиқ» нинг ўранилиш тарихига бир назар

Шукурова Амира (СамДУ магистранти)

Аннотация

Ушбу мақолада, Югнакийшунослик ва «Ҳибат ул-хақойиқ» достонининг тадқиқ ва талқин масалалари нафакат узбек адабиётшунослигида, балки жахон адабиётшунослигида ҳам урганган ва урганганмоқда. Бу масала кейинги тадқиқотларда ҳам давом этмоқда.

Шарк мумтоз панднома адабиётининг вакили Аҳмад Югнакий Х-ХII асрларда ижод этган истеъдодли шоирдир. Адиб Аҳмад ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш узок асрлардан буён давом этиб келмоқда. Бу борада Алишер Навоийнинг “Насойим ул муҳаббат” асари алоҳида аҳамиятга эга. Қолаверса, усмонли турк адабиётшунослигида ҳам югнакийшунослик, “Ҳибатул хақойиқ”ни таҳлил ва талқин этилган тадқиқотлар анча.

Ўзбек адабиётшунослигида Аҳмад Югнакий ва унинг достонига доир илмий изланишлар Н. Маллаев, Қ. Маҳмудов, Г. Хўжанова, Р. Воҳидов тадқиқотларида, шунингдек, ўтган асрнинг 90-йиллар матбуотида эълон қилинган М. Имомназаров, Э. Умаров, И. Ҳаққул, Ҳ. Болтаев, Н. Ражабов, Қ. Тоҳиров каби олимларнинг мақолаларида кузатилади.

Усмонли турк адабиётшунослигининг вакили Банарли Ниҳад Самининг “Resimli Turk Edebiyatı Tarihi. Destanlar devrinden zamonamıza kadar” номли асарида Адиб Аҳмад ҳаёти ва ижоди масаласи ёритилган мақола ҳам ўрин олган.

Тадқиқотда Аҳмад Югнакий яшаган давр, ижодкор шахсияти, “Ҳибат ул хақойиқ” достони, асарнинг кейинги давр адабиётига таъсири каби масалалар ёритилади.

Банарли Ниҳад Сами Адиб Аҳмад ҳақида дастлабки маълумотлар халқ оғзаки ижодига бориб тақалишини эътироф этиб, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарига мурожаат этади.

Дарвоқе, Навоий бу асар орқали Аҳмад Югнакий ҳақида аниқ маълумотларни етказди.

Навоий ёзади: “...Хейли элнинг муқтадоси эрмиш. Балки аксар турк улусида ҳикмат ва нуқталари шоеъдур. Назм тариқи била айтур эрмиш...” деб кийидаги келтиради:

Сунгакка иликтур, эранга билик,
Биликсиз эран ул иликсиз сунгак.

Улуглар не берса, емасмен дема

Илик сун, огиз ур емасанг ема.¹

Бу маълумотлар югнакийщуносликда муҳим аҳамиятга эга. Чунки биринчидан, унинг қаерда яшагани, иккинчидан, устози ва ҳамсабоқлари, учинчидан, Адибнинг яшаган даври, ундаги маънавий-маданий муҳит, тўртинчидан жисмоний аҳволи, бешинчидан, ҳаётда тутган мавқеи ва асарларининг аҳамияти, ижод йўналиши ва ҳ.к.²

Ўзбек адабиёти тарихининг илк намуналаридан бири бўлган Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» достони таҳлил этилган барча манбалар, ўқув адабиётларида ундаги боблар миқдори билан боғлиқ муаммо тилга олинади:

Туға кўрмас эрди адибнинг кўзи,
Тузаттим бу ўн тўрт боб ичра сўзи (243).

Достоннинг котиб томонидан ўн тўрт боб қилиб кўчирилганлиги ёки тузилганлиги таъкидланган. Бироқ, қатор олимлар, хусусан, Н.Маллаев,³ Қ.Маҳмудов,⁴ Р.Воҳидов⁵ ларнинг фикрича, ҳозирги ҳолатда у ўн бир бобдан иборат бўлиб қолган. Бу ҳолат котиблар (хусусан Абдураззоқ Бахши) томонидан киритилган ўзгариш, яъни айрим боб номларининг тушириб қолдирилиши ва бир-бирига яқин мазмунли бобларнинг қўшилиб кетиши сифатида изоҳланади: «Мутахассисларнинг фикрича, бундай тафовут котиблар томонидан айрим бобларни кўрсатувчи сарлавҳаларнинг тушириб қолдирилиши оқибатида содир бўлган бўлиши мумкин» (11, 87). Бинобарин, достонда мавжуд бўлган қуйидаги 11 та матн бобнинг номи ёки сарлавҳаси сифатида эътироф этилган:

1. Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим (парвардигор ҳамди).
2. Фи наътил набийи алайҳиссалом (пайғамбар наъти).
3. Фи мадҳин амирил ажалин Дад Сипаҳсалар Бек алайҳирраҳмати валғафрану (хукмдор мадҳи).
4. Мужибн таълифи ҳазал китаби ва муқтази (китобнинг ёзилиш сабаби).

Мазкур тўрт боб достон муқаддимасини ташкил этади.

5. Аннавъл аввалу фиманфаатил илми ва мазратил жаҳили
Биринчи боб: Илм манфаати, жаҳолат зарари ҳақида.

¹ Алишер Навоий. Асарлар. 15-том. Т.: 1968. 156 бет.

² Имомназаров М. Адиб Аҳмад қачон яшаган? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1995, 31-март

³ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. 116-бет.;

⁴ Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асари ҳақида. – Тошкент: Фан, 1972. 11-бет.

⁵ Vohidov R., Eshonqulov N. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. - Toshkent: Adabiyot jamg'armasi, 2006. 87-bet.

6. Аннавъус сони ҳифзиллисани ва саъи адабиҳа ва русумиҳа.
Иккинчи боб: Тилни асраш ва одоб-ахлоққа интилиш ҳақида.
 7. Аннавъус солису фи тақаллибид дуня ва тағайири аҳвалиҳа.
Учинчи боб: Дунёнинг қалб-эгри эканлиги ва ҳолатларнинг ўзгарувчанлиги ҳақида.
 8. Аннавъур робигу фи баррис саҳавати ва мазаллатил бухли.
Тўртинчи боб: Саҳоватнинг барака келтириши ва бахилликнинг залолатга етаклаши ҳақида.
 9. Аннавъул хомису фил амри биттавазиъ физзахри ғанат такаббури вал ҳирси афитус сала зилли садиқул мантиқи.
Бешинчи боб: Тавозелик манфаати, кибрлик ва ҳарисликнинг зарари ҳақида.
 10. Аннавъул ухра фи абйаъин мутафарриқатин йаштамаъилу ғала маъанин мухталифатин.
Охириги боб: Турлича маъно билдирувчи байтлар.
- Мазкур олти боб асосий қисм сифатида эътироф этилади.
11. Фил ғузри битамамил калами.
Сўзнинг(асарнинг) тугалланиши узри (сабаблари).

Юқорида ҳам қисман айтиб ўтилганидек, бу масалада бошқача фикрлар ҳам айтилган. Хусусан, М.Имомназаров дostonнинг 14 бобдан иборат эканлигини эътироф этади.⁶ «Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари» мажмуасини тўпловчиларнинг фикрига кўра асар 16 бобдан иборат: «Панд-насиҳат руҳидаги дoston номи билан адабиёт тарихига кирган ушбу асар XVI бобдан иборат».⁷ Бироқ иккала ўринда ҳам фикр изоҳланмайди.

Бу масала С. Тоҳировнинг “Адиб Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-Ҳақойиқ” дostonи матн, тадқиқ ва таҳлил” номли риоласида ҳам тадқиқ этилган. Бунда тадқиқотчи асар матнига таяниб, дostonни 14 боб деб эътироф этади ва куйидагича хулосага келади:

1. «Ҳибат ул-ҳақойиқ» дostonининг муқаддима қисми манбаларда қайд этилганидек, тўрт боб эмас, беш бобдан иборат. Тўрт халифа мадҳига бағишланган қисми алоҳида боб сифатида ажратиш учун асослар етарли.

2. Дostonнинг асосий қисми ҳозирги ҳолатда олтига эмас, еттига бобдан ташкил топган. Асарда фақат боб номларидагина қўлланган «навъ» сўзи ва «фи» (ҳақида) предлогининг мавжудлиги «Аннавъул амри фи макаримил ахлақи ваттахрис ғала таҳлику биха» деб номланган қисми ҳам алоҳида боб сифатида ажратиш учун асос бўла олади. Сарлавҳа остидаги тўртликлар мазмуни ҳам буни тасдиқлайди.

⁶ Имомназаров М. Аҳмад Югнакий. Маънавият Юлдузлари. – Тошкент: Халқ мероси, 2001. 151-бет.

⁷ Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. – Тошкент: Фан, 2003. 195-бет.

3. Достоннинг айни дамдаги ҳолати хотима билан бирга ўн бир эмас, ўн уч бобдан иборат. Бироқ бир қатор белгилар асардаги ўн иккинчи ва ўн учинчи боблар қўшилиб кетганлигини, бинобарин, достон аслида котиб томонидан таъкидланганидек, ўн тўрт бобдан иборат бўлганлигини кўрсатади.

Ниход Самининг тадқиқотида ҳам достоннинг асосий қисми бобларга ажратилган. Олим достоннинг ўн тўрт бобдан иборат эканлиги ҳақидаги котиб маълумотига таянган ҳолда, асосий қисми саккиз бобга ажратади. Шундан 1-4 боблар таркиби юқорида келтирилган таркиб билан мувофиқ.⁸ Қолганлари эса қуйидагича:

1. Тавозеъ ва кибр ҳақида (7 тўртлик).
2. Ҳарислик ҳақида (6 тўртлик).
3. Карам, ҳилм ва бошқа фазилатлар ҳақида (16 тўртлик).
4. Замонанинг бузуқликлари ҳақида (21 тўртлик).

Хулоса килиб айтганда, югнакийшунослик ва «Ҳибат ул-ҳақойиқ» достонининг тадқиқ ва талкин масалалари нафакат узбек адабиётшунослигида, балки жаҳон адабиётшунослигида ҳам ургантлган ва урганилмоқда. Бу масала кейинги тадқиқодларда ҳам давом этади.

⁸ Олим бобларни рақамлар билан эмас ҳарфлар билан номлаган. Бир хилликни сақлаш мақсадида улар рақамлар билан келтирилди.
9Banarli Nihad Sami. Resmli Turk Edebiyati Tarihi. -Istanbul: